

МАХСУС ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДА МОДУЛ ТЕХНОЛОГИЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Б.Р.Муқимов

Р.Н.Келдиёров

“ТИҚХММИ” миллий тадқиқот университети

Қарши ирригация ва агротехнологиялар институти

Аннотация: Мақолада техника олий таълим муассасалари талабларининг техникага оид фанларни модул технологияси асосида ўқитишни кетма-кетликда ташкил этилиши, айниқса, махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриши, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиши учун бир қанча йўналишларда олиб борилиши ва шу билан бирга модуллар мазмунини белгилашда зарур бўладиган ўқув материаллари ва бошқа манбалар ўрганилиши муҳим аҳамият касб этиши масалаларига алоҳида эътибор қаратилган.

Таянч сўзлар: Модул, таълим муассасаси, касбий таълим, махсус фанлар, таълим-тарбия жараёни, ўқув мақсади, электр токи, сув жиҳозлари.

Мақсад: Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда ўқувчи-талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга ҳамда Давлат таълим стандартига асосланади. Баҳолаш орқали бутун модулни ўрганиш жараёни ва унинг барча компонентлари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан модули ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётганини аниқланади.

Ҳозирги даврда касбий таълимни ривожлантиришнинг самарали йўналишларидан бири – махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишдир. Маълумки, анъанавий таълимда ўқув мақсадлари асосан, билим беришга модул технологияси асосида ўқитишда эса, ўқувчи-талабалар фаолиятига йўналтирилади.

Модул – бу фаннинг бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган фундаментал тушунчаларини ўрганишга йўналтирилган ва дидактик тамойил асосида тузилган ўқув материаллари бирлиги бўлиб, унда фан бўйича ўқув дастурлари қисқартирилган ва чуқурлаштирилган тарзда табақалаштирилади. **Натижада босқичма-босқич** ўқитиш имконияти яратилади.

Агар ўқувчи-талабаларни модул технологияси асосида ўқитиш тўғри ташкил этилса, таълимнинг ҳар қайси босқичида улар янги ўқув материалларини ўзлаштиради, кўникма ва малакасини такомиллаштиради. Модул технологияси асосида ўқитиш қуйидаги кетма-кетликда амалга оширилади:

- модулли ўқитишдаги дастлабки шарт-шароитларни таҳлил этиши;
- модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмунини белгилаш;
- ўқув-дидактик материаллари ва ўқитиш воситаларини тайёрлаш;

- назарий ва амалий машғулотларни ўтказиш;

ўқувчи-талабаларнинг олган назарий билими ва амалий кўникмаларини баҳолаш.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишга тайёргарлик кўриш, яъни назарий ва амалий машғулотларни ташкил этиш учун дастлаб уч йўналишда иш олиб борилади.

Биринчидан, ўқувчи-талабаларнинг тайёргарлиги ҳолати таҳлил қилиниб, уларнинг билими, ўқув материалларини ўзлаштириш даражаси ва қобилияти тўғрисида маълумотга эга бўлинади. Чунки уларнинг ўзига бўлган ишончи, ўқишга бўлган қобилияти, шахсий ҳолати, жинси ва ёши таълим олишига муайян даражада таъсир кўрсатади.

Ўқувчи-талабаларни қобилиятига кўра табақалаштириш асосида уларга фанни мустақил ўзлаштириш тавсия этилади.

Иккинчидан, мавжуд шарт-шароитлар таҳлил этилади. У ўз ичига қуйидаги йўналишларни қамраб олади:

Ҳуқуқий шарт-шароитлар таҳлили. Бунда таълим жараёнига тааллуқли ўқув режа ва дастурлар ўрганилади.

Машғулотларни ташкил этиш билан боғлиқ шарт-шароитлар таҳлили. Мазкур йўналишда модул таркибига кирган назарий ва амалий машғулотлар ташкил қилинадиган жой, ўқув устахоналари ҳолати, амалий тажрибаларга тайёргарлик кўриш ва бошқалар ўрганилади.

Техникавий шарт-шароитлар таҳлили. Бунда техник жиҳоз ва мосламалар, ўқув ва ёрдамчи аудиовизуал воситаларнинг яроқлилиқ ҳолати, шунингдек, электр токи, сув ва ҳоказоларнинг мавжудлиги ўрганилади.

Учинчидан, махсус соҳалар таҳлил қилиниб, модуллар мазмунини белгилашда зарур бўладиган ўқув материаллари ва бошқа манбалар ўрганилади. Масалан:

- махсус соҳалар бўйича дарслик, қўлланма ва бошқа адабиётлар;

- техникавий адабиётлар (илмий-техник журналлар, махсус мақолалар, патентлар);

- машина ва мосламалардан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар.

Модул технологияси асосида ўқитишда дастлаб ўқув фанини ўқитишнинг мақсади ва мазмуни, модулларнинг мақсади ва мазмуни белгиланади. Ўқув мақсадлари модул якунида таълим-тарбия натижаси сифатида ўқувчи эришиши лозим бўлган билим, малака ва шахсий фазилат-ларни белгилайди. Ўқув мақсадлари тармоқ таълим стандарти талаблари асосида ишлаб чиқилади.

Модул технологияси асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида

1. Модулни ўрганиш мақсади қанчалик аниқ бўлса, унга эришилганлик даражасини баҳолаш шунчалик осон бўлади.

2. Ўқув-дидактик материаллар ва ўқув воситалари дейилганда билим ва малакаларни шакллантиришга хизмат қилувчи ахборот манбалари тушунилади.

3. Модул технологияси асосида ўқитишда ўқув-дидактик материаллар сифатида назарий дарсларда матнли визуал воситалар, масалан, ўқув адабиётлари, картотека ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, амалий машғулотларда эса курс материаллари, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

назарий дарсларда матнли визуал воситалар

Масалан, ўқув адабиётлари, картотека ва маъруза матнлари, тарқатма материаллар, амалий машғулотларда эса курс материаллари, услубий кўрсатмалардан фойдаланилади.

Аудио-визуал воситалар тегишли соҳалар бўйича технологик жараёнлар ва функциялар тўғрисида кенг камровли реал тасаввурларни вужудга келтиради. Иш соҳасига тегишли маҳсулотлар, жиҳозлар ва асбоблар дарс ёки амалий машғулот пайтида дидактик функцияга эга бўлса, ўқув воситаси сифатида қўлланилиши мумкин.

Модул таркибига киритилган назарий машғулотларни қуйидаги кетма-кетликда ўтказиш тавсия этилади.

Қизиқтириш (мотивация уйғотиш). Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда назарий машғулотларни қизиқарли, ҳатто дарсга тааллуқли бўлмаган маълумот билан бошлаш мумкин. Масалан, мавзу билан боғлиқ қизиқарли кашфиёт, янгилик ёки ҳикматни тушунтириш билан дарс бошланади. Бу ўқувчилар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади ва уларнинг шу соҳага ёки кейинги дарсларда ўрганиладиган мавзуга қизиқишига ёрдам беради.

Маълумот (билим) бериш. Ўқитувчи ўқувчи-талабаларга касб-ҳунар соҳаси бўйича янги материални тушунтиради, қисқа маърузалар ўқийди, мунозаралар, ўқув суҳбатлари уюштиради, ўйин-машғулотлар ўтказиши. Янги модул бирлигини ўрганишдан аввал ўтилган модул бирликлари қисқача умумлаштирилган ҳолда такрорланади.

Ўқувчи-талабаларга модул бирлиги мос тарқатма материаллар берилади. Бу ўқув жараёнини осонлаштиради. Уларни модул бирлигига монанд равишда бирин-кетин

тарқатиш ва кўриб чиқиш учун етарли вақт ажратиш, ўқувчи-талабалар эътиборини ахборотга қаратиш учун маълумотларни овоз чиқариб ўқитиш мақсадга мувофиқ.

Ўзлаштирилган билимларни қайта ишлаш ва мустаҳкамлаш учун топшириқлар бериш. Ўқувчи-талабаларга тафаккур қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш имкониятини яратувчи топшириқлар берилди. Бу уларга билимларни қабул қилишнинг нисбий нофаол фазасидан фаол фазасига ўтиш учун имкон яратади. Ўқувчи-талабаларни гуруҳларда ҳамкорликда ишлаш, мустақил равишда топшириқлар бажариш, эришган натижаларини тақдим этишга ўргатиш самарали ўқитиш усуллари ҳисобланади.

Таҳлиллар ва синтезлар. Модул бирликлари таҳлил қилиш ва синтезлаш орқали ўзлаштирилади. Назарий билимларнинг амалий аҳамияти очиқ берилди. Ўзлаштирилган билимлар фаннинг бошқа соҳаларига оид маълумотлар билан синтезланади ва амалда қўлланади.

Ҳар бир топшириқ ёки машқдан кейин ўқувчи-талабалар ўзлари бажарган ишларни баҳолаши лозим.

Натижаларни гуруҳларда очиқ-ойдин ва самимий муҳокама қилиш ҳам ўта самаралидир.

Модулни ўрганиш охирида якуний суҳбат учун вақт ажратилиши керак. Бу – ўқитувчи ва ўқувчи-талабалар фаолияти натижалари, уларни амалга оширган ва ошмаган ишлари юзасидан мулоҳаза юритиш учун яхлит имконият.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда кўпинча бевосита ва билвосита олиб бориладиган амалий машғулотлар тавсия этилади.

Бевосита бошқариладиган амалий машғулотларда маърузалар, тақдимотлар ва намоёишлардан фойдаланилади. Шунингдек, машғулотларни савол-жавоблар, ўқув суҳбатлари, муаммони муҳокама қилиш асосида ташкил этиш ҳам яхши натижалар беради.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитишда ўқувчи-талабалар билими ва кўникмалари ўқув мақсадларига мувофиқ ҳолда мунтазам баҳоланиши керак. Баҳолаш ҳуқуқий, педагогик ва психологик тамойилларга ҳамда Давлат таълим стандартига асосланади. Баҳолаш орқали бутун модулни ўрганиш жараёни ва унинг барча компонентлари мақбуллиги текширилиб кўрилади. Бу билан модули ўқитиш кутилаётган натижани бераётгани ёки бермаётганини аниқланади.

Махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитиш борасида олиб борилган педагогик илмий-тадқиқот ишлар натижасига таяниб, шундай хулосаларга келиш мумкин:

- *махсус фанларни модул технологияси асосида ўқитиш ўқувчи-талабаларнинг билиш имкониятини оширади, ижодий қобилиятини ривожлантиради;*

•ўқувчи-талабаларни касбга қизиқтириши асосида ўқув фаолияти фаоллаштирилади, мустақил ўқитишига имконият яратилади;

•ўқитиши жараёнида махсус соҳалар таҳлилини ўтказиши орқали ҳуқуқий, ташиқилий ва техникавий шарт-шароитларга катта эътибор берилади ва бу билан таълим самарадорлиги таъминланади;

•модулнинг ўқув мақсадлари ва мазмуни тармоқ таълим стандартининг ҳар бир ихтисослик бўйича касбий тавсифномасида келтирилган касбий фаолият турлари, махсус талаблар, кўникма ва билимлар асосида ишлаб чиқилади;

•ҳар бир модул бўйича ўқув дидактик материалларни тайёрлаши ўқитишига ижобий таъсир кўрсатади;

•модул технологияси асосида ўқитишида таълим беришининг турли шакл ва усулларидан, масалан, муаммо ечимини топиши, ижодий мулоқотлар, ўқув-машигулот ўйинлари, лойиҳа, йўналтирувчи матнлар ва эвристик суҳбатлардан ижодий фойдаланиши мақсадга мувофиқ;

•модул ўз ичига техника ва меҳнат хавфсизлиги, ҳуқуқий-экологик масалаларни ҳам қамраб олиши лозим.

Фойдаланган адабиётлар:

1. Д.Тожибаева, А.Йўлдошев “Махсус фанларни ўқитиш методикаси”, Тошкент, 2009 йил.

2. З.К.Исмаилова, Р.С.Мусаев, А.А.Шоюсупова “Ўқитишнинг замонавий технологиялари”, Тошкент, 2010 йил.

3. “Таълим жараёнида интерфаол таълим услублари ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш” тренингининг ўқув-методик материаллари, Тошкент, 2013 йил.

4. К.Ж. Мирсаидов «Махсус фанларни ўқитиш ва ишлаб чиқариш таълими» Тошкент «Ўқитувчи»1996 йил.